



**БАҲОР МУРУВВАТЛАР  
БИЛАН ҲАМ ГЎЗАЛ**

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг Жиззах вилоят бўлими ходимлари “Наврўз” байрами арафасида шаҳардаги 40 нафардан зиёд 1-гуруҳ ногиронларининг оилаларида бўлиб, табриклашди ва керакли дори дармонлар, болалар учун кийим-кечаклар ҳамда турли ширинликлар тарқатишди.

Шунингдек, жамғарма вакиллари бир қатор шифохоналардаги беморларни, интернат мактаблари ўқувчиларини баҳор айёмлари билан қутлашиб, мурувват ёрдамлари ҳада этишди.

Жамғарманинг вилоят бўлими раиси, сенатор Нодира Каримованинг таъкидлашича, “Сихат-саломатлик йи­лида” вилоятдаги бирорта кам таъминланган оила бу каби эътибордан четда қолмайди.

Бекзод САТТОРОВ

**Эҳтиром**

Ҳаёт — инсон учун берилган бебаҳо неъмат. Яратганининг бу улуг иноятини кимдир юксак қадрлаб, ҳар бир лаҳзасини эзгуликка бахшида этишга интилади. Шу мақсадда янгидан-янги орзу-умид ва режалар билан яшайди. Бунёд этиш, такомиллаштиришга бел боғлайди, яратиш, яшнатиш иштиқида бўлади. Бошқа бир тоифа кишилар эса бемавруд аъмоллар, беҳуда юмушлар билан умр қарвонини манзилига етказиб қўйишганини ўзлари ҳам билмай қолади. Яъни, кимдир руҳиятини интилиш, ўрнак олиш туйғулари сари етакласа, иккинчиси, ялқовлик, дангасалик ботқоғига ботиради, холос.



**АДОЛАТ УЧУН ТУФИЛГАН**

Айни кунларда умрининг 60-бахорини қарши олаётган фидойи инсон, меҳрибон устоз, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши аъзоси, партия фаоли ва ташкилотчиси Абдурафиқ Аҳадов ҳам шундай элим деб, юртим деб яшаётган, ўзининг ибратли ҳаёт йўли билан кўпчиликка намуна бўлаётган замондошларимизнинг бири. Юрт равнақиға кўп меҳнати сингган Абдурафиқ ака 1945 йилда Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрида деҳқон оиласида дунёга келди. 1961 йилда Самарқанд туманидаги 1-урта мактабни тугаллаб, Тошкент тўқимачилик комбинатида илк меҳнат фаолиятини бошлади. 1969 йилда Тошкент халқ ҳўжалиги институтини тугатиб, иқтисодчи, пул-кредит матахассиси ихтисосини олди. Банк муассасаларида турли лавозимларда ишлаб бой

хаётий тажриба орттирди. Ешларга устозлик қилиб, кўп­лаб шоғирдлар етиштирди. Абдурафиқ Аҳадов айниқас, Ўзбекистон Республикаси “Деҳқонсаноат” акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси вазифасида ишлаган пайтлари, Олий Мажлиснинг Бюджет, банк, молия масалалари қўмитаси раиси бўлган кезлари ўзининг улкан салоҳиятини, иқтидорини, ишчанлик фазилатларини тўла намён этди. Эл-юрт олдидаги хизматлари ҳўқуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, 2001 йилда у “Ўзбекистонда хизмат қўрсатган иқтисодчи” фахрий унвонига сазовор бўлди. Ҳозирги кунда Абдурафиқ ака Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси.

Табиятан ишчан, сергайрат бу инсон қаерда, қай-

си лавозимда ишлагани ҳаётнинг олдинги ўринларида бўлишга интилмоқда, ҳалол меҳнати билан эл-юртда қадр топаётти. Озод Ватанимизнинг бундан-да гуллаб-яшнаши, обод бўлиши, янада тараққий этиши йўлида бор куч-гайратини, билим ва тажрибасини ишга солмоқда. Уни кўпчилик адолат учун тугилган инсон, деяр эътироф этишади. Бу бежиз эмас, албатта. Абдурафиқ ака адолатни ўзининг дастуриламалига айлантирган ва бу йўлда хормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда. Адолатли қонунларимизнинг ижодкорига айланаяпти. Бу хайрли ишда сира чарчаманг! Фарзандларингизга ҳамisha бош бўлинг! Доимо эл-юрт ардоғида юраверинг! Қултуғ айёмингиз муборак бўлсин, Абдурафиқ ака!

Сафар ОЛЛОЁР,  
“Адолат” муҳбири.




**РЕСПУБЛИКА  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ  
БАНКИ — «ФАЛЛАБАНК»  
БОШҚАРУВИ**

**барча юртдошларимизни, шу жумладан, ўз акциядорлари ва ми­жозларини, ҳамкасбларини халқимизнинг умумхалқ байрами - Наврўз айёми билан чин юракдан муборакбод этади. Шу шуқуҳли кунларда сизларга узоқ умр, бахт-саодат, Она Ватанимизнинг гуллаб яшнаши йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишда зафарлар тилайди. Айём кунларидаги қувончу шодиёналар Сизларни асло тарк этмасин! “Ғаллабанк” — хонадонингизга барака келтирсин!**




**Неча асрларки, Наврўз халқимизни ҳамжиҳатликка, эзгуликларга, меҳру оқибатли бўлишга чорлаб келмоқда. Шунинг учун ҳам у умрбоқий. Миллий удуларимизни эъзозласак асло кам бўлмаймиз! Наврўз ишимизга омад, рўзгоримизга файз-барака олиб келсин! Байрам барчангизга муборак бўлсин! Самарқанд Зарафшон — Калифорния қўшма корхонаси жамоаси**

**Ўзбекистон  
«ФАРМЕД»  
хусусий фирмаси**



**Сизларни Наврўзи олам билан муборакбод этади. Ҳар бир оилага тинчлик, бахт-саодат, фаровонлик ва омонлик тилаймиз.**





**«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ»  
миллий холдинг компанияси  
ва Республикамизнинг етакчи  
«АВТОГАЗ»  
акциядорлик компанияси**

**Ўзбекистон халқини, ўз ҳамкорларини ва мижозларини  
фаслаар келинчаги бўлмиш Баҳорнинг энг гўзал, бетакрор  
айём — Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади.**

**Азиз юрtdошлар!**

**Айём кунларида энг эзгу ниятларингиз амалга ошсин!**

**Хонадонларингиздан файзу барака аримасин!**

*Қалбларингиз қувончга тўлсин!*

*Барчангизга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат,  
оилангизга қут-барака ва ишларингизда улкан омадлар тилаймиз.*

**Барча яхши ниятларингиз амалга ошсин азизлар!**

**Байрамнингиз муборак бўлсин!**



**Самарақандаги «ЗАРАФШОН» тош  
майдалаш хусусий корхонасининг  
аҳил жамоаси**

*Сиз, азиз юрtdошларимизни ўлкамизга янги  
орзу-умидлар ила кириб келаётган «Наврўз» айёми  
билан чин дилдан самимий муборакбод этади.*

**Меҳнатсевар халқимизнинг бунёдкорона  
куч-ғайрати билан амалга оширилаётган улкан  
ободончилик ишлари Наврўзга чинакам кўрк,  
чирой бағишлаши, суюкли диёримизнинг  
ҳар қарич ерини гуллаган чаманзорга  
айлантириши муқаррар.**

**Биз ҳам бу савобли, олижаноб ишларга  
баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганлигимиздан  
бениҳоя мамнунмиз.**

**Наврўз ҳар биримизнинг  
хонадонимизга олам-олам бахт,  
қувонч ва орзулар олиб кирсин.  
Юртимизни тинчлик-осойишталик  
асло тарк этмасин.**



